



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 8 январь, № 5 (8067)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ПРЕЗИДЕНТ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАЖМУАСИНИ БОРИБ КЎРДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 7 январь куни Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий таълим муассасалари фаолияти билан танишди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 июндаги қарорида ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар

тайёрлаш бўйича янги тизим белги-ланган эди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавф-

сизлик хизмати ва Миллий гвардия таркибда «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилди. Хусусан, Давлат хавфсизлик хизма-

тининг «Темурбеклар мактаби» учун пойтахтимизнинг Юнусобод туманида янги бино қурилди.

Ташриф чоғида Президентимизга ҳарбий-академик лицейдаги ўқитиш тизими ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил октябрда бу ерга келганида ҳамда Хавфсизлик кенгашининг ўтган йилги йиғилишида ҳарбий таълимни такомиллаштириш, ёшларни юртимиз тарихи ва боболаримиз жасорати асосида ватанпарвар этиб тарбиялаш бўйича кўрсатмалар берган эди.

«Темурбеклар мактаби»да ўқиш шундай ташкил этилган. Бунинг учун бешта кафедра: аниқ фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар, хорижий тиллар, психология ва тарбия фанлари ҳамда касбий-амалий фанлар кафедралари очилган. Уларга юқори малакали педагоглар очик танлов асосида қабул қилинган.

Лицей тарих фани ва хорижий тилларга ихтисослаштирилган. Ёшлар орасида бу ерда ўқишга интилиш жуда кучли. Жорий ўқув йилида 5 минг 600 нафар талабгордан энг билимли 100 нафари саралаб олинган. Бугунги кунда 220 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда.

Президент лингафон, психодиагностика ва маънавият хоналарини кириб кўрди. Амир Темур меросини ўрганиш марказида ёшлар билан суҳбатлашди.

— Мана шундай илғор мактабда ўқиётганингиз билан сизларни, ота-оналарингизни табриклайман. Сизлар янги Ўзбекистоннинг қанотисизлар. Бу қанотлар нима билан кучли бўлади? Билим билан! Камида икки-учта тилни, аниқ фанларни ва тарихимизни мукаммал билишингиз керак. Мана, бу мактабда психология фанини ҳам киритдик, унияим яхши ўрганинг. Сизларда ҳамма имконият бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда видеоконференция орқали Тошкент, Нукус, Фарғона ва Шахрисабз шаҳарларидаги «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари билан ҳам мулоқот бўлди.

Ушбу мактаблар ўқувчилари ўртасида маънавият бўйича танлов ўтказиш, Темур тузуқларининг ҳар бир тузуги бўйича илмий шарҳлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари лицей кутубхонасида ҳам бўлди. У ерда китоб ўқиби ўтирган йигитлар таълим масканида яратилган шароитлар, ўқувчилар ўртасидаги дўстона муҳит ҳақида сўзлаб берди. Улар орасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам бор.

— Мамлакатимизда ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди, ҳаммасининг ривожланиши учун шароит яратяпмиз. Фақат қайси ёш ўзини қийнаб, вақтини бекор ўтказмай, кўпроқ билим олса, келажакда муваффақиятга эришади. Ҳамма буюклик ниятдан келади, меҳнатдан келади, — деди Президент.

Лицейнинг ўқув биноси, спорт зали, ётоқхона, ошхона, тиббий хизмат марказида энг замонавий шароитлар яратилган. Шунингдек, мажмуа ҳарбий машғулотлар майдони, стадион, сув ҳавзаси, автодром ва плацни ўз ичига олган.

«Темурбеклар мактаби»нинг Амир Темур номидаги Давлат хавфсизлик хизмати академияси билан ёнма-ён барпо этилгани ҳам аҳамиятли. Бу ерда талабалар ва ўқувчилар ҳамоҳанг муҳитда, устоз-шогирд, ака-ука бўлиб камолга етади.

Президент ушбу академиядаги шароитларни ҳам кўздан кечирди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон — Германия: ПАРЛАМЕНТЛАРА ОЛОҚАЛАР ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хорижий ва қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш, дўстона муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ва изчил ислохотлар натижасида нафақат Марказий Осиё, балки иқтисодий жиҳатдан етакчи давлатлар билан ҳам тенг манфаатли ҳамкорлик юқори поғонага кўтарилмоқда.

### Хамкорлик

Янги Ўзбекистоннинг Европа давлатларига янги эшиклар очилди. Мазкур минтақа билан бутунлай ўзгача, конструктив муносабатлар бошланди. Парламентларо алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бормоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тило Клиннер билан учрашди.

Мулоқот аввалида А. Саидов Т. Клиннерни мамлакатимизга элчи этиб тайинлангани билан кутлаб, масъулияти ва шарафли дипломатик миссияни амалга оширишида муваффақият тилади.

Меҳмонга юртимизда кейинги йилларда барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар хусусида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, Олий Мажлисининг қонунчилик фаолияти, норма ижодкорлиги,

фракциялар, кўмиталар ва комиссиялар иш услублари ҳамда парламентаризм соҳасидаги янгиликлар ҳақида ахборотлар тақдим этилди.

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлар қошидаги илмий-тадқиқот институтлари ўртасида алоқалар ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Тило Клиннер самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон — Германия алоқалари, хусусан, парламентларо муносабатларни янги bosқичга олиб чиқишда бор имкониятини ишга солишини айтиб ўтди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, парламентларо алоқаларни янги bosқичга олиб чиқиш бўйича аниқ тақлифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

## Комиссия йиғилиши

### ҚОНУНДАГИ АЙРИМ МЕЪЁРЛАР МОҲИЯТИ ОЧИБ БЕРИЛМАГАН

Олий Мажлис Сенатида «Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни бўйича юзага келган айрим ҳуқуқий камчиликларни бартараф этиш мақсадида тузилган келишув комиссияси йиғилиши ўтказилди.

Тадбирда комиссияга сайланган Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди. Йиғилишда мазкур Қонуннинг айрим ҳуқуқий нормаларига нисбатан билдирилган қолган ҳамда шахсни ғайри-ихтиёрий тартибда нарколога муамма этилиб, соҳа мутахассисларининг бу борадаги

фикрлари ўрганилди.

Қайд этилганидек, Қонунда «ғайриихтиёрий даволаш» тўғрисидаги меъёр мазмун-моҳияти очиб берилмаган, «мажбурий даволаш» тушунчаси ўртасидаги фарқли жиҳатлар ёритилмай қолган ҳамда шахсни ғайри-ихтиёрий тартибда нарколога муамма этилиб, соҳа мутахассисларининг бу борадаги

тибда ҳам айрим камчиликлар мавжуд. Шунингдек, ариза билан судга мувожадат қилинганда давлат божи тўланиши ёки ундан озод қилиниши, умуман олганда, давлат божи ким томонидан тўланишига аниқлик киритилмаган.

Ўз навбатида, иштирокчилар томонидан наркологик касалликка чалинган шахсни ғайриихтиёрий тарзда даволаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш асослари ва механизмлари масалалари ҳам батафсил муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунида Қонуннинг тегишли бандлари таҳририни қайта кўриб чиқишга келишиб олинди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ ЭЛЧИЛАРИ ВИЛОЯТЛАРДА

Фарғона вилояти ҳокимлиги, инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси ҳамда Ўзбекистоннинг хориждаги 6 та элчихонаси ҳамкорлигида хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

### Мулоқот

Юзма-юз учрашувда Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашев, Ўзбекистоннинг Япониядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мухсинхўжа Абдурахмонов, Ўзбекистоннинг Мисрдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мансурбек Қиличев, Ўзбекистоннинг Эрон Ислам Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Баҳодир Абдуллаев, Ўзбекистоннинг

Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Улугбек Мақсудов, Ўзбекистоннинг Покистон Ислам Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ойбек Усмонов, Ўзбекистоннинг Латвиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Қадамбой Султонов ҳамда Фарғона вилояти шаҳар-туманлари ҳокимларининг Эрон Ислам Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Баҳодир Абдуллаев, Ўзбекистоннинг



## «ФАОЛ МАҲАЛЛА» ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Юртимизда ҳар бир йилни номлаш эзгу аънамага айланган. Бундан кўзланган мақсад эса ўз-ўзидан тушунарли. Яъни йил номида ургу берилган соҳа ёки йўналишларни изчил ривожлантириш орқали халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада оширилади. Шу маънода, Президентимиз томонидан 2022 йилни «Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили» деб номлаш тақлифи илгари сурилиши ҳам бежиз эмас.

### Мушоҳада

Барчамизга аёнки, кейинги йилларда инсон қадрини улуглаш борасида ҳам, маҳаллани ислохотларнинг фаол иштирокчиси

даражасига кўтариш бобида ҳам кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъмин-

лаш йўналишидаги ишларимизни олиб кўрайлик. Биргина ўтган йили пандемия келтириб чиқарган мураккабликларга қарамай, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръати таъминланди. Кўплаб янгидан-янги корхона, кластер ва технопарк, замонавий инфратузилма тармоқлари иш бошлади. Қолаверса, замонавий қулайликларга эга тураржойлар, боғчалар, мактаблар, олийгоҳлар, шифоналар, маданият ва спорт масканлари очилди. Буларнинг барчаси пировардида инсон

ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, яъни инсон қадрини улуглашга хизмат қилмоқда.

Янги илимиз номидан келиб чиқиб айтилган бўлса, жорий йилда бу йўналишдаги ишлар юқори суръатда давом эттирилади. Бу ҳақда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ва мутахассислар ҳам кўплаб чиқишлар қилди. Шу боис биз бу мўъжаз мақолада кўпроқ йил номидаги «фаол маҳалла» қисмига ургу бермокчимиз.





# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ ЭЛЧИЛАРИ ВИЛОЯТЛАРДА

Дастлаб Фаргона вилоятининг инвестициявий салохияти, 2021 йилда инвестиция дастурларининг бажарилиши ва инвестиция жалб қилиш борасида эришилган ютуқлар, 2022 йилда вилоятга 1 миллиард доллар тўғрисидадан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва экспорт ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш режалаштирилаётган ҳақида маълумот берилди.

Ўз навбатида, элчиларимиз давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан халқаро иқтисодий ҳамкорлик янги босқичда давом этаётгани, дунё бозорларидаги чиқиш, хорижий давлатлар билан муносабатларни ривожлантириш бўйича асосий йўналиш ва омиларга атрафлича тўхталиб ўтилди.

Учрашувда Фаргона вилояти иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва вилоят экспорт ҳажмини ошириш бўйича элчионалар билан доимий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга келишиб олинди. Навоий вилояти ҳокими вази-

фасини бажарувчи Нормат Турсунов Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатлари ва Украинадаги элчиларини қабул қилди.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати берган маълумотга кўра, учрашувда Н. Турсунов хорижий давлатлар, хусусан, Америка ва Украина билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни жадаллаштириш учун мавжуд имкониятлар, инфратузилма ва логистика шароитлари ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўз навбатида, мамлакатимизнинг АҚШдаги элчиси Жавлон Ваҳобов Навоий вилояти билан АҚШ ва Канада компаниялари ўртасида турли йўналишлардаги ҳамкорлик муносабатлари, орттирилган тажрибалар меваси ўлароқ савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш томонлар учун ўзаро манфаатли бўлишини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Украинадаги элчиси Алишер Курманов Навоий вилояти билан

Украинанинг Запорожье вилояти ўртасида ўрнатилган алоқалар савдо-иқтисодий соҳалар ҳамда ахборот технологиялари йўналишидаги ҳамкорлигини янада жадаллаштиришга хизмат қилишини қайд этди.

Мулоқот иштирокчилари келгусида хорижий ва маҳаллий компаниялар ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида таширлар алмашишни кўпайтириш, IT, саноат, текстиль, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт йўналишларидаги ҳамкорлигини янада кенгайтиришга мўлжалланган режали ва самарали ишларни биргаликда амалга оширишга келишиб олдилар.

«Халқ сўзи».

## Таълим ИБРАТ МАКТАБИ НЕГИЗИДА НАМАНГАН ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида бундан уч йил аввал иш бошлаган Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўз йўналишида етарли тажриба ва мустақам таълим базасига эга муассасага айланиб улгурди.

Айни пайтда ўқитишнинг илғор технологияси имкониятлари ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ўтган ўқув йили якунига кўра, 39 нафар битирувчининг барчаси олийгоҳлар талабасига айланди. Бундан ташқари, Россия, Япония, Жанубий Корея мамлакатларидаги турдош ўқув юртлари билан ўрнатилган илмий-амалий ҳамкорлик алоқалари натижаси таълим сифатини юқори босқичга кўтармоқда.

Айтиш лозимки, янги йил мазкур таълим муассасаси учун қувончли хушхабар билан бошланди. Яқин вақт ичида мактаб негизда Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллар институти фаолияти йўлга қўйилади. Бу ҳақда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳасида қайд этилган. Мазкур масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасига махсус қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган.

Вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқовнинг худудни ривожлантиришнинг 2021 йил якунлари ва 2022 йилга мўлжалланган истиқбол режалари юзасидан мурожаатида жорий йилда Намангандаги олий таълим муассасаларини яна ўнгага кўпайтириш ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилган эди.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи».)

## Дил сўзи

### ҲАЁТГА КЎЧАЁТГАН ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР

Президентимизнинг халқимизга йўллаган Янги йил табригини ойнаи ҳақон орқали ҳаяжон билан тингладик.

Давлатимиз раҳбари якунига етган 2021 йилда эришилган натижалар, Янги — 2022 йил режалари ҳақида гапирганда, айниқса, йил номини эълон қилганида ич-ичимдан қувондим.

Янги — Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йилида мамлакатимизда кенг қўлоч ёзган инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган кўламдор ислохотлар изчил давом эттирилишидан бошимиз осмонга етди. Зотан, қадрни улуглангандагина инсон инсонлигини хис қилади, ҳаётдан мазмун топади, умрини эзгу ишлар, бунёдкорликлар билан безашга интилади. Қалби эзгуликка тўла, мақсадлари буюқ бўлади.

Мен кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳаси билан танишиб қикдим. Унда 45-мақсад қилиб бошлангич синф ўқувчиларини бепул оқват билан таъминлаш белгиланган. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тажриба-синов тариқасида бошлангич синф (1 — 4-синф) ўқувчиларини бепул оқват билан таъминлаш тизимини жорий этиш назарда тутилган.

Бу ҳақда, дастлаб, Президентимиз 2021 йилнинг сентябрь ойида қорақалпоғистонлик сай-

ловчилар билан Бўзатов туманидаги учрашувда гапирган, бошлангич синф ўқувчилари учун шундай шароит яратилишини таъкидлаган эди.

Кўни кеча расмий ахборот манбаларида шу мавзуга оид хушхабарни ўқидим. Унда юқоридаги хужжатда келтирилган ҳудудлардаги мактабларда Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан 2022 йил 1 апрелдан бошлаб бепул оқват билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилиши келтирилган.

Бу, дунё ҳамжамиятининг ҳам ҳавасини тортаётган, Президентимиз томонидан инсон қадрини улуглашга, келажак авлодга қаратаётган эътибори, гапирган ҳар бир гаги — эзгу режа ва мақсадларнинг меъёрий хужжатларда ўз асосини топиб, амалий натижасини бераётганидан далолатдир.

Ҳақиқатан ҳам, 2022 йилнинг илк кунларида инсон қадрини эъзозлашга қаратилган улғувор ғоялар амалиётга татбиқ этила бошланди.

Динара ИЛҲОВА,  
Нукта шахридаги  
27-умумтаълим мактаби  
ўқитувчиси.

## МЕҲР ҲАМ ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШГА КИРАДИ

Янги йил арафасида маҳалламиз фаолларидан бири Холмирза бобо Шакаронинг 70 ёшини биргаликда нишонладик. Айни чоғда Президентимизнинг у кишига йўллаган Янги йил байрам табригини ҳам топширдик. Эътиборлиси, ушбу кўтловдан нафақат у киши, балки маҳалламизнинг барча ёшу қариси бирдай хурсанд бўлганини айтмайсизми?!

Ҳа, дарвоқе, инсон қадрини улуглаш — фақат кимгадир моддий ёки бирор муаммосини ҳал қилиш шаклидаги ёрдамдангина иборат эмас, балки икки оғиз илиқ сўз ҳам кишини юксакларга кўтариш роҳида. Бунга мана шу кўтулғу воқеа, асосийси, эътибор мисолида ҳам амин бўлдик.

Шу боис фаолларимиз билан келишиб, режа тузиб олдикки, янги, яъни Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йилида айнан ана шу тамойил асосида ишларимизни янада кучайтирамиз. Дейлик, кимдир фидокорона меҳнат билан жамиятга озми, кўпми наф келтиргану, аммо унинг ибратли фаолияти эътибордан четда қолган. Айни ана шундай меҳнат фахрийларимизнинг ҳам иззат-ҳурматини жойига қўйиб, ҳаётини таърихларини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатиш, ўргатиш ҳаётини аъломига айланади. Дилида ватанпарварлик, қалбида имони бор одам борки, ана шундай инсонларга ҳавас қилади, улардан ибрат олади.

Шу ўринда алоҳида таъкидламоқчиманки, бундай хайрли ишлар микёси ўтган йилда ҳам кам бўлмади. Ўтган йили маҳалламиз бўйича 134 нафар хотин-қиз «аёллар дафтра»га киритилган эди. Белгиланган тоифалар бўйича барчасининг муаммоси ўз ечимини топди. Тайинли касби йўқлар мономарказда ўқиб, ҳам ҳунарли, ҳам ишли бўлди.

Умуман, бундай статистикани яна давом эттириш мумкин. Лекин энг муҳим натижа — ҳар бир ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ёки оила ўзининг муҳим равои фаровонлик йўлига тушиб олганидир.

Янги йил иш режамизда кўнгилларга қувонч улашувчи кўплаб режаларимизни янада кучайтирамиз. Дейлик, кимдир фидокорона меҳнат билан жамиятга озми, кўпми наф келтиргану, аммо унинг ибратли фаолияти эътибордан четда қолган. Айни ана шундай меҳнат фахрийларимизнинг ҳам иззат-ҳурматини жойига қўйиб, ҳаётини таърихларини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатиш, ўргатиш ҳаётини аъломига айланади. Дилида ватанпарварлик, қалбида имони бор одам борки, ана шундай инсонларга ҳавас қилади, улардан ибрат олади.

Саноат ТУРДИМУРОВА,  
Гулистон шахридаги  
«Намуна» МФЙ раиси.



Янги Ўзбекистон ривожланиш соҳасида янги даврга қадам қўйди. Давлат раҳбари белгилаб берган «Инсон қадрини устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат» деган улғувор мақсад асосида кўплаб эзгу ишлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

## Акс садо

«Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси қўйилди. Жаҳон майдонида муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, обод ва фаровон мамлакатга айлантиришни мақсад қилган мазкур тарихий ҳужжат лойиҳаси бўйича фикр билдириш барчамиз учун шарафли ва масъулиятлидир.

Аждодларимиз етти рақамини эзгу ниътани рўбга чиқарадиган, омад келтирадиган ҳосиятли тимсол сифатида билганлар. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ҳам етти йўналишдан иборат этиб белгиланди. Тараққиёт стратегиясида юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият этиб белгиланган. Тараққиёт стратегияси «инсон — жамият — давлат» деган янги тамойил асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу ҳужжатни диққат билан ўқиб, Ҳаракатлар стратегияси билан солиштириб, режалаштирилаётган ислохотлар учун муқабла янги ёндашув қўланилганлигига амин бўламиз. Мамлакатимизни

ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида қарий 100 та мақсадга эришиш назарда тутилган.

Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш борасидаги — тўртинчи устувор йўналишда назарда тутилган қатор режалар бугунги кунда олий таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг давом этиради. Лойиҳанинг 46-51-мақсадларини ўз ичига олган олий таълимга қамров даражасини амалдаги 28 фоиздан 50 фоизга етказиш ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида 100 минг ўринли талабалар тураржойларини барпо этиш, 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш, 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини камидан 50 тага, жами олий таълим муассасалари сонини 200 тага етказиш, «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикр-лайоҳанга ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш борасидаги мақсадлар олий таълимни янада юқори чўққиларга кўта-

ради. Айнан шу мақсадлар рўйи сифатида Президентимизнинг «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида»ги ва «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида юртимиздаги 35 та олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий бошқарув ҳамда молиявий мустақиллик берилди.

Умуман, ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ўзини шу заминнинг фарзанди деб билган ҳар бир инсон, айниқса, раҳбар кадрлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бундай улғувор мақсадларни амалга оширишда барчамиздан куч ва имкониятларни бирлаштириш, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш талаб этилади. Зеро, Президентимиз таъкидлагандек, «инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, бандандлароз туншунча эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishi, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш назарда тутамиз».

Хулоса ўрнида айтганда, Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси инсон қадрини улуглашга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Шарифжон ПЎЛАТОВ,  
ТДТУ Қўқон филиали директори.

## Чорвачилик:

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

2021 йил тарих зарварақларига мамлакатимизнинг иқтисодиёт, саноат, ишлаб чиқариш соҳаларидаги муҳим ўзгаришлар билан муҳрланди. Нега деганда, аҳоли фаровонлигини таъминловчи ушбу драйвер соҳаларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир қатор йирик ва инновацион лойиҳалар ишга туширилди. Жамиятнинг турли жабҳаларига татбиқ этилаётган ислохотлар, аслида, элу юрт тақдирига дахлдорлик, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга бўлган ўзгача ёндашувлари билан аҳамиятли.

## Нуктаи назар

Дейлик, ветеринария ва чорвачилик соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб негизида аҳолини сифатли ва арзон гўшт-сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашдек улғу мақсадлар мужассам. Масалан, ўтган йили чорва молларининг наслини яхшилаш мақсадида 460 та хўжалик наслчилик тоифасига ўтказилиб, умумий сони 1 минг 727 тага етказилди ва улур томонидан аҳолига 20 минг бошга яқин насли қорамол етказиб берилди. Бугунги кунда 300 бошдан 500 бошгача қорамол мавжуд хўжаликлар сони 460 тани, 500 бошдан минг бошгача қорамол мавжуд хўжаликлар сони 256 тани,

1 минг бошдан юқори бўлганлари 136 тани ташкил этмоқда. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида ҳар бир туманда 300 — 500 бошдан иборат бўлган жами 608 та, шундан, 315 та бўрдоқчилик ва 293 та сутчилик йўналишидаги йирик чорвачилик комплекслари ташкил этилди. Ушбу комплексларда 130 минг тонна тирик вазнда гўшт ва 900 минг тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Таҳлилларга кўра, охириги икки йилда қорамолларнинг 91,8 фоизи аҳоли хонадонларига ва 8,2 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Жойларда наслчилик ишларини ривожлантириш ва

суний уруғлантириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида маҳаллий бюджетдан республика бўйича жами 33 миллиард 267 миллион сўм маблағлар ажратилиб, бунинг ҳисобидан суний уруғлантириш шохобчалари зарур асос-ускуналар билан жиҳозланди. Юртимизга чет давлатлардан гўшт йўналишидаги тез етилувчан қорамолларнинг «Абердин-ангус», «Шароле», «Герфорд», «Лимузин» ҳамда сут йўналишидаги «Джерсей», «Швиц» ва «Монбильярд» каби янги зотлари олиб келинди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятларида парвариланаётган бундай зотлар 100 минг бошдан кўпни ташкил этади.

Шунингдек, қўй-эчкиларнинг зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида қўйнинг «Меринос», «Романов», «Эдилбой», «Дорпер» зотлари ҳамда эчкининг «Ангор» ва «Занен» зотлари чет давлатлардан келтирилиб, уларнинг бош сонини янада кўпайтириш чоралари кўриломоқда. Буларнинг барчаси, пировардида, йил якуни бўйича гўшт ишлаб чиқариш тирик вазнда 2,6 миллион тоннани, сут ишлаб чиқариш 11,6 миллион тоннани ва тухум

ишлаб чиқариш 8,1 миллиард донани ташкил этишига замин яратди.

2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори биноан чорвачилик тармоғини (хориждан келтирилган насли қорамол, қўй-эчки, жўжалар учун) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида жами 434 та чорвачилик субъектларига давлат бюджетидан 60,8 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 3 мартдаги «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада

қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан чорвачилик маҳсулотларини етиштириб сотган 623 та субъектга 50,3 миллиард сўм субсидия тақдим этилди.

Чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш учун умумий қиймати 7,2 триллион сўмлик 1 минг 828 та лойиҳа амалга оширилиб, 21 мингта янги иш ўринлари яратилди. Уларни рўёбга чиқариш учун 132,8 миллион АҚШ доллари миқдорига хорижий кредит линиялари, 110,8 миллион доллар хорижий инвестициялар, 2,3 триллион сўм банк кредитлари ҳамда 2,3 триллион сўм ташаббускорларнинг ўз маблағлари йўналтирилди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Бугун биз ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги ислохотларнинг дастлабки босқичида турибмиз. Янги ҳали олдинда амалга оширилаётган ишлар жуда кўп. Айни пайтда кўмитамиз мутахассислари юртимизни дунёнинг чорвачилик соҳаси ривожланган давлатлар сафига олиб чиқиш мақсадида истиқболли режалар устида изланишлар олиб бормоқда. Яқин келажакда ушбу истиқболли режаларимизни амалиётга татбиқ эти бошласак, давлатимиз раҳбари бошлаб берган, халқимизни кутаётган кенг қўламли ислохотларга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Баҳром НОРҚОБИЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси.

Туйғу

НАЖОТКОР  
ЁМФИРДАЙ  
СЎЗ  
ОЛИБ  
КЕЛДИМ...



Ногаҳон қайдадир сачраса учқун,  
Кафтида сув олиб чопувчилар бор.  
Кимлардир дунёга ўт қўймоқ учун  
Дўзахдан чўғ олиб чиқишга тайёр.

Кимдир ёнги чоғи бўлгандир қалқон,  
Ўйланмас, ёнгайми ё қолгай тирик.  
Кимдир ҳузур қилар — қуйса кўпроқ эсон,  
Чақалоқлар бўлса хас, тутантирик.

Кимнингдир кул бўлса бошпана-уйи,  
Қоврилиб, дод солиб тутсувси мотам.  
Кимдир ҳиринглайди — найрагидир ўйи,  
Оловга ёғ сешиб қочар дамодам.

Эй, одам, бунчалар бўлма содда, сўл,  
Гугуртчўп каслар бор — ёқмоқ тутуми.  
Зимдан орзу қилар: ёнса қуруқ-хўл,  
Кўзларни ачитса фитна тутуми.

Ёғийга ёқмас ҳеч ўктам савлатинг,  
Чақин чиқарсам дер тоша уриб тои.  
Биродар, бекордир бойлик-сарватинг,  
Осуда ёстиққа қўёлмасанг бои.

Ўт пурқаб ўзингдан олажак учин  
Ичинда қутурган газаб — аждаҳо.  
Лаҳзалик тинчликни тикламоқ учун  
Асрлар жисганак бўлгандир гоҳо.

Тафаккур қасрида ватан тут собит,  
Имон туғин қада кўнгул қалъанга.  
Тобланган руҳингни айлагил совут —  
Жонингга чирмашса совуқ аланга.

Оламни ёритмоқ учун ёнсанг — ён,  
Лек ўтин бўлмагин ёт гулханида.  
Ўтпараст сийратинг бўлсин намёнён  
Музюрак ёв дилга суқилганида...

Дўстнинг уйи ёнса тўлғонади дўст,  
Ўйонган булутдай кўзғолиб келдим.  
Сўзинг оташини ўчиргайдир сўз,  
Нажоткор ёмғирдай сўз олиб келдим.

Қурдошим, қайғунга эшман шу асно,  
Дўст дўстга кўнглини нечун ёрмасин?!  
Қалбу ўчоғингда ўт бўлсин, аммо  
Гул туккан боғларинг асло ёнмасин!

Нодир ЖОНУЗОҚ

Модернизация



“Навовой иллик электр станцияси” акциядорлик жамияти — қарийб олти йиллик тарихга эга корхона. Гарчанд, кеча билан бугунги солиштириш жўнгина туюлса, шиддат нуктаи назардан корхона фаолиятида сўнги беш йилликдаги ўзгаришлар ҳар қанча эътирофга лойиқ эканини таъкидлашнинг иложи йўқ. Зотан, дастлаб бор-йўғи 25 минг киловатт соатлик ишлаб чиқариши билан мамлакат электр энергияси таъминоти тизимига қўшилган корхона бугун тармоқнинг етакчи қувватларидан бирига айланаётган улгурди.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ЭВАЗИГА ЙИЛИГА ЎРТАЧА 500 МИЛЛИОН КУБОМЕТР ТАБИЙ ГАЗ ИҚТИСОД КИЛИНМОҚДА

Станциянинг ўтган асрдаги фаолияти Қизилқум чўлларининг миллионлаб гектар кенгликларига тараққиёт ва йирик сановат корхоналари кириб боришига замин ҳозирлаган бўлса, янги аср — шиддаткор замонамида электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг мумкин қадар тўла қаноатлантирилиши мамлакатимиз инвестицион ҳозирдорлигининг муҳим шарти ҳамдир. Шу боис сўнги йилларда мамлакатимиз энергетика тармоқларидаги реконструкция, замонавий тежамкор технологиялар асосидаги модернизация жараёнлари электр энергияси таъминотида яхлит занжирнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Мазкур занжирнинг муҳим ҳалқаларидан бири сифатида “Навовой иллик электр стан-

цияси” АЖда амалга оширилган дастлабки инвестицион лойиҳа — буғ-газ қурилмаси мамлакатимизда илк замонавий энергетика технологияларига асосланган буғ-газ қурилмаси бўлиб чиқаришни тақдим этди. Аънанавий технологияда 1 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 400 ва ундан ортиқ грамм шартли ёқилғи сарфланган бўлса, замонавий буғ-газ қурилмасида бу кўрсаткич 234-235 граммни ташкил этмоқда. Натижада йилига миллионлаб кубометр табиий газ ёқилгиси иқтисод қилинаётган. Корхонада Япониянинг

“Mitsubishi Corporation and MHPS” компаниялари консорциуми асосида контракт қиймати 432 миллион АҚШ доллари тенг, қуввати 450 мегаватт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмаси бунёд этилиши сарфланган энергия ресурслари самарадорлигини янада оширди. Президентимиз 2017 йилнинг 28 мартида Навовой вилоятга ташириш чоғида корхонада бўлиб, ушбу қурилма пойдеворига тамал тошини қўйган эди.

Биринчи буғ-газ қурилмасидан фарқли равишда иккинчи қурилмада 100 гигакалория (Гкал) сановат буғи ва 100 Гкал иссиқ сув кўринишидаги жами 200 Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда, — дейди “Навовой иллик электр станцияси” акциядорлик жамияти бош директори Қаҳрамон Фаниев. — Электр энергияси ишлаб чиқаришнинг аънанавий технологияларида фойдали иш коэффициенти одатда 40 фоиз атрофида эди. Корхонамиздаги биринчи буғ-газ қурилмасида бу кўрсаткич 57 фоизни ташкил этган бўлса, иккинчисидан 61 фоизга тенглашди. Ҳозирги давр олдимизга энер-

гия ресурсларини тежаш вазифасини кўяр экан, давлатимиз раҳбари бу борада эътиборни узоқ истикболга қаратиш, иссиқлик электр станцияларида модернизациянинг навбатдаги босқичида техник ва маънан эскирган барча энерго қурилмаларини ихчам ҳамда тежамкор технологияларга асосланган буғ-газ қурилмаларига алмаштириш вазифаларини белгиледи.

Буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши натижасида корхонамизда йилига қўшимча равишда яна 3 миллиард 276 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин. Шунинг баробарида мазкур лойиҳанинг тежамкорлиги тўғрисида 1 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи сарфи камайтирилиши эвазига йилига ўртача 500 миллион кубометр табиий газ иқтисод қилинмоқда. Бу биргина Навовой вилояти аҳолисининг йиллик табиий газ истеъмолига нисбатан 20 баравар кўп демакдир.

Лойиҳанинг диққатга молик яна бир жиҳати шундаки, технология сув ўрнига ҳаво билан совитишга асосланган. Сув танқислиги долзарб ҳудудимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон шароитида илк бор қўлланилди.

Албатта, янги технологияларга асосланган қурилмаларни эксплуатация қилиш, ўз навбати-

да, уни эксплуатация қилувчи ходимлардан ҳам шунга яраша билим ва малака талаб қилади.

Бу каби замонавий буғ-газ қурилмаларининг ишга туширилиши минг нафардан ортиқ хизмат кўрсатувчи малакали ходимларни тайёрлаш заруратини келтириб чиқарган эди, — дейди акциядорлик жамиятининг умумий масалалар бўйича директори Нажмиддин Бобоқандов. — Президентимиз ташриф чоғида Япония гранти асосида корхонамиз базасида буғ-газ қурилмалари ўқун ходимлар тайёрлайдиган ўқув маркази ташкил қилиш бўйича кўрсатма берган эди. Бугун барча қўлайликларга эриш, мамлакатда ягона саналган ўқув марказимиз сўнги авлод ахборот технологиялари билан таъминланган. Бу ерда электр, иссиқлик механикаси, автоматик ўлчов бошқариш, дастурий таъминот ва техник хизматлар кўрсатиш, диагностика, компьютер техникаси асосида тренажёр ҳамда симулятор каби йўналишларда малака ошириш имкониятлари мавжуд. Марказда нафақат корхонамиз, балки буғ-газ қурилмаси билан реконструкция қилинаётган барча иссиқлик электр станциялари учун ҳам кадрлар тайёрланмоқда.

Темур ЭШБОЕВ  
(«Халқ сўзи»).



МИРИШКОРДА 120 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Қашқадарё вилоятининг олис ва чекка ҳудуди ҳисобланган Миришкор туманида лойиҳа қиймати 25 миллиард сўм бўлган калава ип ва мато ишлаб чиқариш фабрикаси фаолият бошлади.

Бандлик

Маҳаллий инвестор Мухтор Тўйчиев томонидан амалга оширилган лойиҳа доирасида йилига 2 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқарилиб, Россия ва Хитойга экспорт қилинади. — Фабрикамизда иш уч сменада ташкил этилган, — дейди “Mirishkor Rifatextile” МЧЖ раҳбари Мухтор Тўйчиев. — “Аёллар дафта-

ри” ва “ёшлар дафтари”да рўйхатда турган миришкорлик йиғит-қизлардан 120 нафари 2 ой давомида малакали мутахассислар томонидан ўқитилди ҳамда ишга қабул қилинди. Ип-йигирув ва мато тўқишда сифатга катта эътибор қаратяпмиз. Ҳозирги кунда Хитой ҳамда Россия Федерациясидаги компаниялар билан шартномамиз бор. 2022 йилда хорижга 7 миллион АҚШ дол-

лари миқдорида маҳсулот экспорт қиламиз. Фабрика цехларида кунга 5 тонна калава ип йигирилиб, ундан 5 тонна трикотаж мато тўқилмоқда. Тадбиркорнинг айтишича, келгусида матони бўяш цехи ҳам ишга туширилиб, бўялган матодан тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Фахриддин БОЗОРОВ  
(«Халқ сўзи»).

Иزلаниш

Томорқаси борнинг ҳазинаси борлиги рост. Бунинг исботини кичкина томорқасида турли кўчатлар, мевали дарахтлар етиштираётган, мўъжаз иссиқхоналар ташкил қилиб, фаровон ҳаёт кечираётган омилкор хонадонлар мисолида қуриш мумкин.

ИШ БИЛАН ИМКОНИЯТ ТОПАДИ

Фаргона вилоятининг Бувайда тумани “Жов” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Салоҳиддин Маҳмамов “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури асосида банкдан кредит олиб, ўз томорқасида 4 сотихли иссиқхона барпо этди.

Иссиқхонага лимон кўчатлари экиб, томчилатиб суғориш технологиясини қўллади. Мўл ҳосилга кирган лимондан ўтган йили 2 тонна ҳосил олинди. Бугунги кунда бозорда 1 кг лимон ўртача 17 — 20 минг сўм эканлигини инобатга олсак, миришкор оиланинг фақат лимондан олаётган даромадини ҳисоб-китоб қилиш қийин эмас.

Оила бошлигининг айтишича, даромад эвазига томорқанинг 2,2 сотихига қўшимча иссиқхона қурилди. Иссиқхонадан ўтган йил илк қўкламда бодрингдан яхши даромад олинган. Август ойида экилган саримсоқлиёз эса айни кунда баравж ўсмоқда. Ҳосил йиғиштириб олинган, февраль ойида помидор кўчатлари экилади.

Томорқадан йилига тўрт мартаба ҳосил олаётган тиниб-тинчимас оила томорқанинг қолган қисмига яна битта янги иссиқхона қуришни режалаштирмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ  
(«Халқ сўзи»).

БИР ГЕКТАР ЕРДАН 7 ЙИЛДА 187 МИНГ ДОЛЛАРДАН ЗИЁД ДАРОМАД ОЛИШ МУМКИН

АЗАЛДАН ОТА-БОБОЛАРИМИЗ БОҒ ЯРАТГАН. ФАРЗАНД ТУҒИЛСА, ЯХШИ НИЯТЛАР БИЛАН УНГА АТАБ УЙ ҚУРАМАН, ДЕЯ ТЕРАК ЭККАН.

Тажриба

— Бироқ замон ўзгармоқда, — дейди Андижон туманидаги “Ҳақиқат чинори” фермер хўжалиги раҳбари Муроджон Қурбанов. — Тараққиёт ҳам даврга монанд шиддат билан одимламоғи керак. 8 гектар майдонда кўчат парваришлайман. Ўзимизнинг маҳаллий терракдан ҳам бор, лекин ҳозир павлония ҳақида гапирмоқчиман.

Хуллас, фермер бизни павлония дарахтлари парваришланаётган мўъжазгина ўрмонзор бўйлаб етаклади. Унинг сўзларига қараганда, 2021 йилнинг баҳорида “Шантон” навидан унган ниҳолларни ерга қадаган. Бир йилда беш марта чопиқ қилди, шунча марта турли касалликларга қарши дорилари. Ҳафтада бир-икки бор суғориб турди.

Парвариш яхши бўлгани боис олди кўчат 8 метргача бўй чўзди. Тасаввур қилиш қийин, лекин кичкина кутичада ундирилган атиги тўрт энлик но-зик ниҳол 8 ойда 8 метрга етди.

— Унинг афзаллик жиҳатлари жуда кўп, — дейди фермер. — Биринчидан, тез ўсади, иккинчидан, жуда бақувват. Ёғочининг зичлиги боис кемасозликда, иморат ва мебель, музика асбоблари ясашда кенг фойдаланилади. Шахсан ўзим уч йиллик дарахтни кесиб кўрдим, уйсозликда бемалол фойдаланса бўлади-ган маҳсулот тайёрлади. Мебелсозлардан харидорлар келиб турибди. Ҳар бир туғилади, холос. Демак, иккинчи йилдан бошлаб кўчатларни сотиш эвазига соф даромад

Фермернинг фаолияти билан танишиш давомида тушундикки, дастлабки йили кўчатлар 60х60 ўлчамга ҳар 20 сантиметр оралигига экилган. Уларни атиги 2 минг сўмдан сотиб олган ва орадан 8 ой ўтгач, кузги экиш мавсумида ҳар бир туғи 25 минг сўмдан сотилган. Ва биринчи йилнинг ўзидаёқ унга кетган харажат қопланган.

Павлония етти йилда етилади. Бу даврда бўйи 25 метр, эни 4 метрга етади. Шу боис ҳар йили кўчатлар ўрнини бўшатиб, 4х4 метр ўлчам ҳолатига келтириш тавсия этилади. Асосий меҳнат биринчи йили талаб этилади. Иккинчи йилдан суғориб турилади, холос. Демак, иккинчи йилдан бошлаб кўчатларни сотиш эвазига соф даромад



олиш мумкин бўлади. Япроқлари катта бўлгани билан остида полиз маҳсулотларини парваришлагга ҳалал бермайди. Қолаверса, гули ниҳоятда хушбўй бўлгани боис асалари-чиликда фойдаланиш мумкин. Япроғини салқинда сўлиштиш орқали чорва озукасига айлантурса бўлади.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, бир гектар майдонга экилган павлония дарахти етти йилда қанча даромад беради?

Биология фанлари доктори, профессор Алишер Тўраевнинг ҳисоб-китобича, бир гектар майдонда 625 туғ павлония дарахтини парваришлаг имкони мавжуд. Ҳар бир дарахт 7 йил мобайнида 1 кубометрдан ортиқ ёғоч маҳсулотини беради. 1 кубометр та-

танинг бугунги кундаги ўртача нархи 300 доллардан эканлиги ҳисобга олинса, 625 кубометр ёғочнинг нархи 187 минг 500 долларни ташкил этади.

— Кўпчиликка айтсангиз, павлония дарахтини реклама қилипти, деб ўйлайди, — дейди фермер Муроджон Қурбанов. — Ваҳоланки, бунга ҳолат ҳам йўқ. Ҳатто бир йиллик кўчатларга ҳам харидорлар шу қадар кўпки, уни етти йиллик дарахтга айланттиришга йўл бўлсин, деб ўйлаб қоламан, баъзан. Аслида, мақсад битта — у ҳам бўлса, ҳамюртларимиз даромад топишни ўрганишимиз, дастурхони тўкин бўлсин ва шу орқали фарзандларини илмли қилсин!

Саминжон ХУСАНОВ  
(«Халқ сўзи»).

**Халқ сўзи**  
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 35 742 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақиқат маълумотларини қўлаб олиш учун QR-коднинг телефони орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маираббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.55 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6